Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини жамоатчилик мониторинги Методологиясини ишлаб чиқиш ва қонунчиликни таҳлил қилиш учун экспертлар гуруҳини жалб қилиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Лойиҳа: Сиёсатни ривожлантириш институти (Қирғизистон) ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг (Ўзбекистон) Буюк Британия Ташқи ишлар, Ҳамдўстлик ва ривожланиш масалалари бўйича вазирлиги (FCDO) томонидан молиялаштириладиган «Иқтисодий ривожланиш учун самарали бошқарув» (EGED) дастури доирасидаги қўшма лойиҳаси.

Буюртмачи ташкилот: «Юксалиш» ҳаракати

Иш бажариладиган жой: Мослашувчан график асосида масофадан туриб, Тошкент шаҳридаги учрашувлар ва тренингда иштирок этган ҳолда.

Аризаларни топшириш муддати: 2025 йил 26 декабрь, соат 18:00 гача.

Ишларни бажариш даври: 2025 йил декабрь – 2026 йил май.

1. Умумий маълумот ва лойиҳа контексти

Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмлари инфратузилмани модернизация қилишнинг асосий воситаси сифатида жадал ривожланмоқда. Президентнинг 2024 йил 30 августдаги ПҚ-308-сонли Қарори ушбу йўналишнинг стратегик аҳамиятини тасдиқлаб, 30 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги лойиҳалар дастурини белгилаб берди. Соғлиқни сақлаш, таълим ва транспорт каби муҳим соҳалардаги ДХШ лойиҳалари фуқаролар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади ва шартномаларнинг шаффофлиги ҳамда тарифларнинг асослилиги билан боғлиқ хатарларни юзага келтиради.

«Шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтириш» лойиҳаси доирасида ДХШ лойиҳаларининг мустақил жамоатчилик мониторинги моделини яратиш ва синовдан ўтказиш кўзда тутилган. Биз жаҳоннинг илғор стандартларига (CoST, OCDS) асосланган амалий воситани (Методологияни) яратиш орқали фуқаролик жамиятининг ДХШ соҳасида давлатга конструктив ва малакали ҳамкор бўлишига эришишни мақсад қилган юқори малакали ҳамфикр экспертлар жамоасини изламоқдамиз.

2. Топшириқнинг мақсади

Экспертлар ва фуқаролик жамияти вакилларига ДХШ лойиҳаларини уларнинг амалга оширилиш циклининг асосий босқичларида объектив ва далилларга асосланган ҳолда баҳолаш имконини берувчи комплекс, амалий Методологияни ишлаб чиқиш.

3. Экспертлар гуруҳининг батафсил вазифалари

1-модуль. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини комплекс таҳлил қилиш

- ДХШ соҳасидаги ЎзР қонунчилигини (ДХШ тўғрисидаги Қонун, ПҚ-308, харидлар ва тарифларга оид норматив ҳужжатлар) чуқур таҳлил қилиш, ҳуқуқий бўшлиқлар, зиддиятлар ва потенциал коррупцион хатарларни аниқлаш.

- Шаффофлик бўйича халқаро стандартларни (CoST, Open Contracting Data Standard) ўрганиш ва уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

- Методология учун асос бўлиб хизмат қиладиган таҳлилий ҳисобот (10-15 бет) тайёрлаш.

2-модуль. Методологиянинг мазмуни ва инструментарийсини ишлаб чиқиш

- Методологиянинг асосий матнини тайёрлаш, жумладан: «ДХШ нима?», «Лойиҳанинг ҳаётий цикли ва назорат нуқталари», «ДХШ лойиҳасини баҳолаш методикаси» (шаффофлик, иқтисодий/ижтимоий самарадорлик, хатарларнинг тақсимланиши мезонлари бўйича) бобларини ёзиш.

- Амалий иловалар тўпламини яратиш: Лойиҳа харитаси, Шартномани таҳлил қилиш чек-варағи, Интервью ўтказиш бўйича қўлланма, Хатарларни баҳолаш матрицаси, Якуний ҳисобот шаблони.

3. Модуль. Ўқитиш ва натижалар тақдимоти

- Ишлаб чиқилган Методологиядан фойдаланиш бўйича экспертлар гуруҳи учун бир кунлик тренингни тренер сифатида ўтказиш.

- ДХШ соҳасидаги қонунчилик ва амалиётни такомиллаштириш бўйича тавсиялар лойиҳасини («Йўл харитаси») тайёрлаш.

- Таҳлил натижалари ва ишлаб чиқилган маҳсулотларни лойиҳанинг якуний конференциясида тақдим этиш.

4. Кутилаётган натижалар ва муддатлар

№	Натижа	Тақдим этиш муддати
1	ДХШга оид қонунчилик ва амалиёт бўйича батафсил таҳлилий ҳисобот	2026 йил 31 январгача
2	Методологиянинг барча иловаларга эга дастлабки лойиҳаси	2026 йил 28 февралгача
3	Методологиянинг якуний таҳрири (рус ва/ёки ўзбек тилларида)	2026 йил 15 мартгача
4	Экспертлар гуруҳи учун тренинг ўтказилиши	2026 йил февраль
5	Тавсиялар лойиҳаси («Йўл харитаси») ва тақдимот материаллари	2026 йил 30 майгача

5. Экспертлар жамоасига қўйиладиган малакавий талаблар

Жамоа камида икки нафар юқори малакали мутахассисдан иборат бўлиши керак.

- **Етакчи эксперт / Ҳуқуқшунос:** Олий юридик маълумот; ДХШ, давлат харидлари, инвестицияларга оид қонунчиликни чуқур билиш; юридик экспертиза соҳасида камида 7 йиллик тажриба.

- **Иқтисодчи-молиячи:** Иқтисодиёт/молия соҳасида олий маълумот; инфратузилмавий ёки инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилишда камида 7 йиллик тажриба; ДХШ моделлари ва *value for money* тамойилини тушуниш.

- **Жамоага умумий талаблар:** ДХШ мавзусида таҳлилий материаллар тайёрлаш бўйича тасдиқланган тажриба; халқаро стандартларни билиш; рус ва/ёки ўзбек тилларини мукаммал билиш; халқаро лойиҳаларда иштирок этиш тажрибаси мақсадга мувофиқ.

6. Ариза топшириш шартлари

Таклифлар **info@yuksalish.org** электрон почта манзилига **“ДХШ мониторинги бўйича экспертлар”** мавзуси билан юборилиши керак.

Ариза таркиби:

1. **Техник таклиф (5 бетгача)**, унда қуйидагилар баён этилади: жамоа таркиби ва ролларнинг тақсимланиши; вазифаларни бажаришга ёндашувлар; ишларнинг дастлабки жадвали.
2. Жамоанинг барча аъзоларининг **Резюмеси (CV)**.
3. **Молиявий таклиф,** унда ишнинг умумий сўралаётган суммаси ҳамда ҳар бир экспертнинг иш кунлари сони ва ставкалари бўйича батафсил маълумот кўрсатилган бўлиши керак.
4. Аввал бажарилган тегишли таҳлилий ишлардан **2-3 та намунага ҳаволалар**.

Тўлиқ бўлмаган аризалар кўриб чиқилмайди. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати фақат дастлабки саралашдан ўтган номзодлар билан боғланади.